



1873 йилдан бери Русия зўравонлиги остида ўз борлигини давом эттириб келаётган Хива хонлигининг «келажакда нима бўлиши масаласи» Хивада эмас, Русия - Москвадаги йулбошчилар орасида бир неча марта мунозара мавзуси бўлди.

Русиянинг Туркистон бош волиси 1904 йил декабрида ўз ҳукуматиغا Хивани тамомила кўшиб олишни тавсия қилганди. Русия ташқи ишлар нозирлиги Япон урушидан Русиянинг мағлуб қилиниши муносабати билан бу қора ниятидан воз кечганди. Аммо Туркистон бош волиси Хивани тўлиқ босиб олишни таклиф қилишдан чарчамади. 1910 йил 28 январда Русия нозирликлари бош нозир Столипин раҳбарлигида йиғилиш ўтказди. Бу йиғилиш Хивада турли ислохотлар ўтказиш йўли билан уни Русияга батамом қўшиб олишни қарорлаштирди (Тухтаметов, Россия и Хива в конце XIX - начале XX веках, Победа Хорезмской народной революции. - Москва: 1969, 56-6.). Бу ислохотлар қуйидагилар: почта-телеграф марказларини очиш, Хива пули ўрнига рус пулини жорий қилиш; хон қошида сугориш ишларини назорат қилувчи рус сугориш мутахассиси бўлиши, маҳаллий аҳоли учун махсус рус мактаблари очиш ва бошқалар. Бу серкирра ислохот тадбирлари қўшиб олишнинг «ўтиш даври» вазифасини бажариши лозим. Аммо рус ҳукумати бу ниятини тўлиқ амалга оширишга қодир эмасди. 1912 йилдан ёвмуд туркманлари билан Тошовуз хавзаси ва Хива атрофидаги ўзбеклар орасида 1916 йилгача чўзилган ўзаро тўқнашувлар бўлиб турди (Ўқусуругига мансуб Дурди Непес номли бир туркман ўзбек савдогарларининг молини талади ва ўз уругининг обрўли одами бўлган Мехмет Қўканинг уйига яширинди. Пуя! беклигидаги Хива харбий қисми бошлиги

Сахат Бола Мехметдан Дурди Непесни топширишни талаб қилади. Мехмет рози бўлмади. Шунинг учун Сахат Мехметни катл қилдирди. Ўч олиш мақсадида ёвмудларнинг ўқус уругидан Шамми Кел, Бекикул деган бир ўзбек савдогарини ўлдиради. Бу тўқнашув Хива саройида катта муаммога айланди. Шу шароитда Хива хонлиги қисмлари саркардаси Шайх Назарбий, худди шундай харбий қучга эга бўлган Шамми Кел устига юрди. 1913 йил январида хон бирликларига рус қисмлари ҳам қўшилиб, ҳаракат бошлади. 1913 йил 13 январида томонлар ўртасида Қўхна Урганчда бир тинчлик битими тузилди. Шамми Кел аввал асир олинди, кейин бўшатилади, чунки ўқус уруги 13000 сўм товон тўлашни таклиф қилган эди. Ёвмудлар хонга тўланиши керак бўлган солиқдан бош тортганликлари учун хон улар устига қўшин тортади. Ёвмудлар бунга қарши Шомурод бахши бошчилигида ўз йигитларини йўналтиради. Шомурод асир олиниб, Хивага келтирилди. Ёвмудлар 1915 йили 22 мартда Хивага ҳужум қилди. Факат рус аскарларининг ёрдами билангина улар чекинишга мажбур бўлди. Лекин бундан кейин ҳам хонликда осойишталик ҳукм сурмади. Непесов, Из истории Хорезмской революции. 63-бетда ўлкадаги бу нотинчликни гўё озодлик ҳаракати деб баҳолайди. Тарихчи Непесов ўз ишида Шамми Келнинг хатти-ҳаракатини «миллий-ижтимоий тенгликни қўлга киритиш ва меҳнаткаш халқ оммаси манфаатини ҳимоя қилиш учун ҳаракат» деб қўрсатишга уринади. Киёсланг: Тухтаметов, Россия и Хива, 91-6.). Хива хонлигида ҳам XIX асрнинг сўнгидан бери «жадидчилик ҳаракати» авж олган. Хива жадидлари ўз шоирларининг (Буларнинг орасида машҳурлари қуйидагилар: Пахлавон Ниёз Муҳаммад Мирзабоши (Комил Хоразмий 1825 - 1899), Бердимурод Қаргабой ўғли (Вердак 1827 - 1900), Аваз Ўтар ўғли (1884 - 1919), Отажон Абўл (1855 - 1927), Муҳаммад Расулбой (1870 - 1919), Муҳаммад Расулбой (1870 - 1916).) шеърлари билан халқни, мамлакатни қурашишга, ўқиш-ўрганишга даъват этган. Улар 1910 йиллардан бери ўзларини «Ёш хивалиқлар» деб номлашарди. Хиванинг Муҳаммад Раҳим ва Асфандиёр қаби хонлари замонавийлик тушунчасига қарши эмас эдилар, шу сабабли жадидчиликка ҳам монелик қилмасдилар. Февраль инқилобидан сўнг ёш хивалиқлар сиёсий талаблар қўя бошлади. Улар хондан жадидлар ҳам иштирок этадиган халқ мажлиси ташкил қилишни сўрадилар. 1917 йил 5 апрель баённомаси билан Асфандиёрхон 50 га яқин вакил иштирок этадиган мажлис-парламентга ижозат берди. Бу мажлис-парламент нозирларни сайлаш ҳуқуқига эга эди. Демак, хон ўз давлат тузумини янада ривожлантириш қобилиятига эга тараккийпарвар шахс эди. Ёш хивалиқлар Бухородаги маслакдошларига нисбатан зийраклик қилдилар ва англашилмовчиликка йўл қўймадилар. Парламентни тузиш тез фурсатда амалга оширилди. 26 апрелда 32 миллат вакили (бекликлар вакили ва ёш хивалиқлар) тўпланди. Ёш хивалиқлар бошчиси Пахдавон Ниёз Юсуф эди. Парламент ёш хивалиқлардан бекликларнинг парламентдаги вакиллари миқдорини 5 нафарга туширилишини истаб, тилақларини қучайтирдилар. Табиий, беклар бунга рози бўлмасди. 1916 йил ўрталарида Хўжайлидаги ўзбек бекларидан Авазхўжа Муртазабий билан Жунаидхон Хива хони Асфандиёрга қарши қурашиш тўғрисида қелишиб олдилар. Худди шу вақтда ёвмудларнинг ок-соқоли Уқус Асфандиёрхон билан иттифок тузди. 1916 йил 14 январда Муртазабий 3000 киши билан Хивага юрди. Аммо 19 январда қўлга тушди. Унинг қурашини Жунаидхон давом эттирди. У хондан тутқундаги ўзбек етакчиларини бўшатишни талаб қилди. Хон бу истакни рад этди. Кейин Жунаидхон аскарлари билан Гурлан, Шохобод, Киёт, Тошовуз ва Урганч шаҳарларини қўлга киритиб, Хивага қараб юрди ва 12 февралдан 13га ўтар кечаси бу шаҳарни забт этди. Жунаидхон ўзини хонликнинг бошқарувчиси деб эълон қилди. Аммо

1916 йилнинг 16 феввалида русларнинг Сирдарё ўлкаси харбий волиси генерал Галкин ўз қисмларини харакат-га келтириш натижасида Жунаидхон Хивадан чиқиб кетди. Жунаидхон ўз хамфикрлари билан 17 апрелда Эрон тупроғига кирди. У 1917 йилнинг илк баҳорида Хивага қайтди. Хива гарнизони қўмондони Мирбадал (Козонли чор Русияси генерали, Муваккат ҳукумат томонидан Хивага комиссар этиб тайинланган) билан алоқа ўрнатиб, ёш хиваликлар ҳокимиятига қарши қурашишга қиришди. 1917 йил июнида Асфандиёрхон орасида бош нозир Матмурод ҳам бўлган 17 нафар ёш хиваликларни ҳибсга олди. Бу ҳусусда Мирбадалнинг хиссаси катта бўлганлиги маълум. Шу йўл билан Мирбадал Жунаидхонни Асфандиёрхонга қарши қураши илдизига болта урмоқчи бўлди. Ёш хиваликлар парламентдан чиқарилди. Уларнинг бундан буён яширин харакат қилишдан бошқа чораси қолмади. Хива хонлиги ана шундай можаролар билан машғул бўлиб турган бир пайтда болшевикларнинг Октябрь инқилоби рўй берди. 1917 йил декабрида Тошкентдаги шўро комиссарлиги Асфандиёрхонга Хиванинг мустақиллиги эътироф қилинганлигини баён қилди. Аммо хонлик билан шўро комиссарлари орасидаги муносабат яхшиланмади. Хива хонлигидаги рус қўшинининг собиқ қўмондони Зайцев оқ гвардиячилар харакати тарафдори эди. Жунаидхон эса ҳеч қандай рус ҳокимиятини тан олмасди. Шунинг учун Хива гарнизонидан 300 га яқин рус қиёда аскарлари бир «аскар шўроси» ташқил қилишди ва рус ҳокимиятини ўрнатиш масаласини ўртага ташладилар Сурункали таъқиб остида бўлган ёш хиваликлар бу «аскарлар шўро»сига мурожаат қилди. Шўро 1917 йил 23 октябрда ёш хиваликларни қўллашга қарор қилди. Жунаидхон эса бу вақтда Амударёнинг чап қирғоғига ўрнашиб олиб, Урганч - Тўртқул -Чоржўй телефон алоқасини бузиб ташлади. Тўртқўл (Петроалександровск) шаҳри русларнинг хонликдаги харакатининг таянч нуқтаси эди. 1918 йил 30 сентябрида Жунаидхон Асфандиёрхонга бир элчи юборди. Элчи хайъати қабул қилинаётган аснода Асфандиёрхон Жунаидхоннинг Ишим деган ўғли томонидан ўлдирилди. Жунаидхон шу йўл билан «хон бўлиш» ниятини амалга оширмоқчи бўлди. Лекин ўз уруги қароридан қелиб чиқиб, ўзини «хон» деб эълон қила олмади. Тахтга марҳум хоннинг уқаси Саид Абдулла ўтирди. Бирок янги хон давлат ишларидан йироқ одам эди. Шунинг учун аслида, Жунаидхон хақиқий ҳуқмдор бўлиб олди. Жунаидхон халқ оммаси қўз олдида жуда қўп босқинчилик ишлари қилганлиги учун даҳшатга тушган 20000 га яқин қиши шўролар қўлида бўлган Тўртқўлдан бошпана сўради. Шу сабабли 1918 йил 21 октябрида Жунаидхон Тўртқўл шаҳрини қуршаб олди. 11 кун давом этган жанглардан сўнг 1600 аскарини йўқотиб, жанг майдонидан чекинди. Бу жанг шўроларга қарши Жунаидхон қурашининг бошланиши эди. 1919 йил 28 мартда Питнақда Тўртқўл учун Жунаидхон қучлари билан шўро Русияси орасида яна жанг бўлди. Жунаидхон енгилди. Аммо жанг вақти-вақти билан давом этиб турди. 1919 йил 9 апрелида Жунаидхон Хиванинг вақолатчиси сифатида РСФСР ҳукумати номидан вақолатга эга бўлган Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти вақиллари билан Тахтада учрашиб, бир тинчлик битими тузди. Битим матни шундай:

1. Хар икки томон, хар қандай уруш харакатларини тўхтатади.
2. Шўро ҳукумати Хива воҳаси халқларининг ўз тақдирини ўзи хал қилиши ҳуқуқини тан олади.
3. Дўстлик муносабатлари ўрнатиш учун икки томон орасида вақиллар алмашинади. Хива ҳукумати Мосқов ва Тошкентда, шўро Русияси ҳукумати эса Хивада ўз ва-қолатхоналарига эга бўлиши таъминланади.

4. Тарафлар ўзининг барча ерларида: сув ва қуруқлик йўлларида эркин, фаол савдо қилишга шароит яратиш қафолатини оладилар.

5. Шўро рус жумҳуриятига қарши ҳаракатлари туфайли гуноҳкор ҳисобланган Русияга тобе бўлган барча туркманлар афв этилади ва улар ўз яшаш жойларини танлаш ҳуқуқига эгадирлар(Непесов. Из истории, 125 - 126 б; Сулейманова, История. 1., 91-6.). Шўро ҳукумати бундай бир битимга узокни кўзлаб рози бўлди. Зотан, ок подшо давридаги руслар 1918 йил 14 июлда тузган Ашхобод ҳукуматидан ва инглизларнинг шу пайтда «Туркистон сиёсати» жонланиши натижасида Хазар денгизи атрофидаги ҳаракати (1918 - 1919)(Тўлиқмаълумот учун қarang: C.H.Ellis, The Transcaspian Episode, (1918 - 1919). 1963, 175-6. Менимча, Эллиснинг бу иши Туркистоннинг Хазар ўлкасидаги инглизлар ҳаракатларини ва у ерда кечган воқеаларни акс эттириши назаридан энг яхши ва энг янги ҳужжатли асардир. Муаллиф инглизларнинг Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларида бевосита иштирок этганлардандир.) ва Хива хонлигидаги шўроларга қарши фаолиятдан шўро болшевиклари кўп зарар кўриши эҳтимолидан чўчиб қолган эди. Бироқ битим шўроларнинг Хива хонлигида фаолияти тўхтатишини ҳам аңлатмас эди. Шўро ҳукумати Хивада бир инқилоб бошланишини жуда-жуда истар эди. Шўро тарихчиларининг ёзишича: «Шўро Тўрткўли Хивада қилинадиган инқилобга зарур қучларни ҳозирлаш учун яқин ва етарли даражадаги таянч нуқта вазифасини ўтади. Партия ва Туркистон мухтор шўро социалистик жумҳурияти билан Туркистон жаҳхаси инқилоб ва уруш шўросининг давомли қайрати ва ёрдами туфайли Тўрткўл 1919 йил эрта баҳорида Хива хонлиги биқинидаги шўро инқилобининг машъали даражасига етқазилди. Хивалиқ қочоқлардан (туркман, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ қашшоқлари ва оломондан иборат) Амударё теваqагида «қўнғиллилар» тузилди. Булар ҳам ўз навбатида рус коммунистлари етакчилигида Хива меҳнатқашларидан инқилобчилар туздилар»(Непесов. Из истории, 153-6.). Шўро тарихчиларининг бу маълумотлари таҳдильга муҳтож эмас. Чунки бунда Хивадаги шўроларнинг ҳатти-ҳаракатлари очик ифода қилинган. Ҳар ҳолда, Хивага «инқилоб» ташқаридан тайёргарлик кўриб олиб қирилганлиги эътибордан четда қолмаслиги қерак. Бундан ташқари, Тўрткўлда «Хива инқилоби отряди» ҳам тузилган эди. Табиийки, Жунаидхон бундай ходисалардан беҳабар қолмасди. Шундан кейин Жунаидхон 1919 йил 1 октабрда Нуқусни ишғол қилган эди. Шундай қилиб, 1918 йил 9 апрель битими ўз қучини йўқотди. 20 октабрда Туркистон жаҳхаси инқилоб ва уруш шўроси Тўрткўл гарнизонига Хива тупроқларига бостириб қириш учун тайёргарлик кўриш ҳдқида буйруқ берди. 30 октабргача бу гарнизонни қучайтириш мақсадида бешинчи Туркистон полқининг учинчи батальони қелди. 1919 йил 22 декабрида Туркистон жаҳхаси инқилоб ва уруш шўроси билан Русия шўро ҳукумати Туркистон комиссияси «Жунаидхон ва унинг тарафдорларининг қонли диктатурасидан Хива меҳнатқашларини озод қилишда ёрдам бериш учун» шўро қўшинининг Амударё гуруҳига қатво берди. Шу борада Шўро иттифоқи номидан Хива ҳалқига қилинган ҳитобномада шундай дейилади: «Бизлар Хивага қарши уруш олиб бормаймиз. Хиванинг мустақиллигига тажовуз қилмаганимиздай, ички ишларига ҳам аралашмаймиз. Хива ҳалқи ўзига қандай ҳукумат сайлаб олишини билганлиги учун ўз орзусини эркин ифода қила олади» (Непесов. Из Истории, 161-6.). Шўро бирликлари шу ишораларни пеш қилиб, Тўрткўлдан Хивага томон юрдилар. Ҳарбий қисмлар иккига - шимолий ва жанубийга бўлинди. Шимолий бирликларга Николай Жайдаков, Жанубийга Шчербаков қўмондон эдилар. 25 декабрда улар Хива тупроқларига бостириб қирдилар. Жангларни энди четлаб ўтиб бўлмас эди. Шўро қисмларининг жанубий қаноти 1920 йил

25 январида мукаддас Хивани ишғол қилди. 27 январда бу табаррук заминга шимолий қисм аскарлари оёқларининг изи ҳам тушди. Бу фожиа эса бутун дунёга «Хива халқининг инқилоби» деб тарқатилди. 1 февралда хон тахтдан воз кечганлигини билдиришдан бошқа чора топа олмади. Уруш асири сифатида голиблар маркази - Москвага жўнатилган бечора хон очликдан ёруғ оламдан кўз юмди.

Канча вақтлигини айтиш қийин, лекин Жунаидхон узок вақт чидам билан қаршилик кўрсатди.

Коммунист бўлмаган Жуманиёз Султонмурод исмли бир ёш хивалик бошчилигида, қизил кўшин паноҳида 1918 йил июнида Урганчда тузилган «Хива Инқилоб кўмитаси» ҳокимиятни қўлга олди. 1 февраль 1920 йил хонлик тугатилиб, ўрнига «Хоразм халқ жумҳурияси» эълон қилинди (Хоразм Халқ жумҳурияси эълон қилинишига доир илмий адабиётлар ўзаро фарқ қилади. 207-бетга кўра, бу сана 1919 йил июни; Скалов, Хивинская революция, НВ да, 1922, 3-сон, 243-бетга кўра эса 1920 йил 1 февраль. Непесовга кўра эса Халқ вакилларининг 1-конгресси 27-30 апрель 1920 й.да Хоразмни Халқ жумҳурияси сифатида эълон қилди (169 - 170 б]. Сулаймонова, История, 1, 99-бетда: Хоннинг саройи факат 1920 йил 1 февралда ишғол қилинди. История Узбекской ССР, III, 269 - 270 бетга биноан Халқ жумҳурияси 27 - 30 апрель 1920 йилда эълон қилинди.). 1920 йил 20 апрелда биринчи халқ анжумани чақирилди. Бу анжуманнинг қарорига мувофиқ ёш хиваликлардан Пахлавонниёз Хожи Юсуф давлат раиси сифатида ҳукумат тузди, Бобо Охун Салимўгли эса бош нозир этиб сайланди. Шўро Россиясининг коммунистлари Хивада йўқ эди, шунинг учун ҳокимиятга ёш хиваликлар эга чиқди. Урганчда Хоразм Инқилоб кўмитаси раиси, шўроларнинг содиқ дўсти Жуманиёз Султонмурод ички ишлар нозири қилиб сайланди. Ҳукумат аъзолари, асосан, ёш хиваликлардан бўлиб, бирортаси «пролетар» эмасди. Халқ жумҳуриясининг 1920 йил 30 апрелида қабул қилинган ўқўригида (конституциясида) шундай ёзилган: «Хива хонлиги халқининг хон ҳокимиятидан ва рус империализми асоратидан озод бўлиши хотираси сифатида ва шармандали ўтмишни бартараф қилиш учун собиқ Хива заҳматқашларининг манфаатларини ўйлаб, бундан бўён собиқ Хива хонлиги эски ва машҳур тарихий номи «Хоразм»ни қабул қилажакдир» (Сулаймонова, История. I., 101-6.). РСФСР ҳукумати Хоразм халқ жумҳурияси билан «иттифок битими»ни имзолаш учун шошилди. 1920 йил 13 сентябрида икки ҳукумат орасида 24 моддадан иборат шартнома тузилди. Бу шартномага биноан шўро ҳукумати Хоразмнинг мустақиллигини таниди ва собиқ Хива хонлигидан чор ҳукумати қилган даъво ва талаблардан воз кечди (Батафсил маълумот учун қarang: Costagne, Le Turkestan, 212 -214 б; Hayit, Turkestan in XX. Jahrh., 150 - 156 б.). Бунга ҳилоф равишда Хоразмдаги шўро элчиси Хоразм ҳукуматидан Москва кўрсатмалари асосида иш юритишни талаб қилди. У яна Хоразмда «Коммунистик партия» ташкил қилишга қиришди. Ўз навбатида Хоразм ҳукумати ҳам ўз муаммоларини мустақил ҳал қилишда давом этди. 2-Халқ анжумани сайловидан олдин РСФСР элчиси М. С. Сафонов 1921 йил мартада Кўчкор (Кўчкорўгли)нинг раҳбарлигидаги бир коммунистик гуруҳ ёрдамида давлат раиси Пахлавонниёзни ва ҳукумат аъзоларини ҳибсга олди. 1921 йил майида 240 аъзоли 2-Халқ анжумани қарори билан давлат раиси қилиб Ота Маҳдум сайланди ва унинг раёсатлигида янги ҳукумат тузилди. РСФСРнинг янги элчиси Бик бу ҳукумат аъзоларини ҳам ҳибсга олди (1921 йил 28 октябрь). Коммунистлар бу ерда ҳам шўро кўшинлари 28 май 1920 йилда мамлакатга бостириб қиргандан сўнг ҳамма ишни «Хоразм коммунистик партияси» номидан амалга оширди. Бу партиянинг эса ҳатто 1923 йил ёзида 584 нафаргина аъзоси бор эди (Непесов, Из

истории, 254-6.). Уларнинг нечтаси хоразмлик эканлиги қоронғи. Коммунист хоразмликларнинг ҳам 75,5% қишлоқлардан бўлиб, улар Хивадаги ҳокимият қурашларида қатнашиш имконига эга эмасди.

Бухородаги каби Хоразмда ҳам шўро аъзоси бўлган русларга қарши қураш давом этди. Жунаидхон Даштга (Қорақумга чекинди ва у ердан шўро қисмларига қарши мудоффа фаолиятини ташкиллаштирди. Бу қураш халқ жумҳуриятига қарши қаратилган эмасди. Жунаидхон ҳаракатига 1922 йилда қамоқхонадан қочган давлат раиси Ота Маҳдум ва ички ишлар нозири Ниёз ҳам қелиб қўшилди. Мужоҳидлар 1924 йил январиди Хивада 10-15 минг қиши иштирок этган қўзғолон уюштиришди. 10 январда Жунаидхон Хивани қамал қилди. Лекин қўзғолондан олдинроқ 1924 йил 6 январиди Россия коммунистик партияси Марказий қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси «антисовёт қўзғолонларни бостириш учун» Хивага ҳарбий қисм жўнатиш топширигини берган эди. Ана шу қисм - 82-суворийлар полки 4 февралда Хивага етиб қелди. Хива қамалдан қалос этилиб, қўзғолон бостирилди.

Шўро Россияси йўлбошчиларига Хоразм халқ жумҳуриятининг муқтақиллиги ёқмас эди, шунинг учун уни тугатишга қарор қилишди. 1924 йил мартада РКП (б) Марказий қўмитаси номидан Хоразм Коммунистик партияси Хоразмни «миллий вилоятларга» тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилди. Хоразм халқ жумҳурияти раҳбарлари РКП (б) Марказий қўмитаси Ўрта Осиё бюросига ёзма равишда «тақсимлаш» режасига норозилик билдирди»(Булар: Одинаев Хоразм КП бош қотиби, Абдусаломов - Халқ жумҳурияти марказий ижрокўм аъзоси, Якубов - Хоразмнинг Тошқентдаги буюқ элқиси, Шумилов - Хоразм давлати режалаштириш бўйича нозири.) ва Хоразм «муқтақил, сиёсий бошқарувда яҳлит» бўлиб қолишини тақлиф қилди(История коммунистических организаций, 733-6.). Аммо бунга қулоқ соладиган зот йўқ эди. 1924 йил 29 сентябрда Хоразмнинг 5-Халқ анжумани Хоразм халқ жумҳуриятини - ўз давлатини йўқ қилиш ҳақида қарор қиларишга мажбур қилинди. Чунки рус аскарлари анжуман биносини қуршаб олган ва РСФСР элқиси Бик қатъий туриб жумҳуриятни йўқ қилиш қарорини талаб қилмади, балки буюрди. Бу «қарор»дан сўнг Туркистон, Бухоро ва Хоразмни нимталаш учун Инқилоб қўмитаси ташаббусни, ҳуқуқни ўз қўлига олди. Дастлаб, 1924 йил октабрида ҳуқумат беқор қилинди. Хоразм халқининг 70% Ўзбекистон ССЖга, 30% Турқманистон ССЖга теғди(Vaidyanath, The Formation, 157-бетга қўра, беқор қилинишидан аввал Хоразм халқ жумҳуриятининг 460905 ақолиси бор эди. Улардан 363404 ўзбек, 67431 турқман, 9638 қозоқ, 4262 қорақалпоқ, 1190 татар, 890 рус, 1248 араб ва 399 бошқа миллат вақиллари бор эди.). Шундай қилиб, Россия ўзига беғона ва душман бир давлат ҳисоблаган Хоразмнинг давлат сифатида мавжуд бўлишини тўхтатиб қўйди. Хоразм Ўзбекистон ССЖнинг бир вилоятига айлантқрилди. Бу вилоятнинг маркази ҳам Урганчга қўчирилди. 1924 йилда Бухоро ва Хоразм давлатлари давлат сифатида тугатқлиши билан Туркистондаги анъанавий, тарихий ва миллий давлатчилиққа узил-қесил зарба берилди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралқида" қитобидан